

«TEMUR TUZUKLARI» - AN IMPORTANT SOURCE ON THE HISTORY OF MILITARY ART OF AMIR TEMUR'S PERIOD

Usmonova Matluba Nosirovna,

1st category history teacher at a specialized boarding school of the Ministry of Internal Affairs

Annotation: *This article describes the historical significance of the work “Temur tuzuklari”, which was left behind by the great commander, Sahibkiran Amir Temur, a huge heritage in the field of military art. It contains scientific information about the achievements of Amir Temur in the field of military arts, the procedure for appointing military commanders, weapons, army, political and military system.*

Key words: *Amir Temur, Temur's rules, master, military art, military tactics, army structure, patriotism, political-military system*

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»-АМИР ТЕМУР ДАВРИДАГИ ҲАРБИЙ САНЪАТ ТАРИХИ БЎЙИЧА МУҲИМ МАНБА

Усмонова Матлуба Носировна,

*Ички Ишлар Вазирлигининг ихтисослашган мактаб интернати
1-тоифали тарих фани ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: *Амир Темур, Темур тузуклари, соҳибқирон, ҳарбий санъат, ҳарбий тактика, қўшин тузилиши, ватанпарварлик, сиёсий-ҳарбий тизим*

Аннотация: *Ушбу мақола буюк саркарда, Соҳибқирон Амир Темурнинг ўзидан сўнг қолдирган ҳарбий санъат соҳасидаги улкан мерос “Темур тузуклари” асарининг бугунги кундаги тарихий аҳамияти ҳақида ёзилган. Унда Амир Темурнинг ҳарбий санъат соҳасида эришган ютуқлари, ҳарбий қўмондонларни тайинлаш тартиби, қурол-яроғлари, қўшин тузилиши, сиёсий-ҳарбий тизими ҳақида илмий маълумот берилган.*

Аннотация: В этой статье повествуется историческое значение произведения “Темур тузуклари”, которое оставил после себя великий полководец, Сахибкиран Амир Темур, огромное наследие в области военного искусства. В нем содержится научная информация о достижениях Амира Темура в области военного искусства, порядке назначения военных командиров, оружии, структуре армии, политической и военной системе.

Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, энгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириши, уларда миллий гурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришига алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

Ш.М.Мирзиёев¹

Буюк Соҳибқирон Амир Темурни етук давлат арбоби, мохир саркарда, илм-фан ҳомийси, бунёдкор, адолат ва тинчлик тарафдори, Шарқ Ренассансининг ривожига улкан ҳисса қўшган шахс сифатида барчамиз эъзозлаймиз. Унинг “Темур тузуклари”да давлат тизими, давлатдаги турли лавозимларининг вазифаси, ундаги турли тоифалар ва уларга муносабат каби масалалар баён этилган.

Турон халқларининг ҳарбий санъати Амир Темур даврига келганда ўзининг энг юқори чўққисига етди. Шарқ олимлари билан бир қаторда Европа давлатларидаги олимлар ҳам буни ўз асарларида эътироф этганлар.

Немис олими Ф.Шлоссер ўзининг “Жаҳон тарихи” асарида: “Бахтиёр жангчи, жаҳонгир, узоқ Шарқда қонуншунос бўлиш билан бирга ўзида, Осиёда кам учрайдиган тактик ва стратегик билимларни ифодалади”, - деб ёзса, атоқли немис олими ва тарихшуноси М.Вебер: “Темур ўз душманларига нисбатан жуда бераҳм эди, лекин саркардалик, давлатни

¹ Ш.Мирзиёевю Парламентга қилган Мурожаатномаларидан. 2018 йил 22 декабрь.

бошқариш ва қонунчилик соҳасида буюк талантга эга эди”, - деб таърифлайди.²

Қадимда ва илк ўрта асрларда туркий халқлар ҳарбий санъатида асосан сочма саф бўлиб жанг қилиш усулини, тўда-тўда бўлиб душманга ёпирилиб душманга ҳужум қилиш усулини учратсак, Соҳибқирон даврига келганда қўшин тартиб билан сафга тортилган ва жангга бирин-кетин киритилган ва бу билан рақиб қўшини ҳолдан тойдирилгандан сўнг сара жангчилардан иборат захира қисм жангга ташланганининг гувоҳи бўламиз. Амир Темур салтанати ниҳоят даражада катта қўшин ва унинг таъминоти тизимига эга бўлган. Энг олий бош қўмондон Темурнинг ўзи ҳисобланиб,

у бўлмаган вақтларда қўшинлар иши юзасидан ноиб-бош амир, амир ул-умаро бошчилик қилган. “Темур тузуклар”да кўрсатилишича, бу унвонга беш киши: Бадахшон ҳокими Амир Ҳудайдод, Балх ва Ҳисор ҳукмдори Амир Жоку, шунингдек, Амир Ику Темур, Амир Сулаймоншоҳ, Амир Темурнинг куёви, орлот уруғидан чиққан Амир Муяядлар сазовор бўлган.³

Амир Темур кишиларнинг бирлиги, бир бўлишлари, жипслашувлари катта сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятга эга эканлигини айтади. “Шижоатли ва ақл-фаросатли эр йигитларни атрофимга бирлаштирдим,- деб ёзади “Тузуклар”да,-Бирлик иттифоқлари шундай эдики, барилари гўё бир тандек эдилар. Барчаларининг мақсадлари, раъйлари сўзлари ва ишлари битта эдилар. Бир ишни қилайлик, деб қарор қилсалар, тугатмагунларича ундан қўл узмас эдилар”⁴

Ҳар бир бошлиқ (амир ёки туманбоши) учун унга тегишли қўшинларни таъминлаш жойи (шаҳар, қишлоқ, вилоят) 3 йилга

² Дадабоев Ҳ.Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати, 68-бет

³ Темур Тузуклари-Тошкент,2019-йил, 111-112-бетлар

⁴ Темур Тузуклари-Тошкент,2019-йил, 96-бет

белгиланган. Бу давр ичида агар аҳоли бошлиқдан мамнун бўлса, у бу ерда кейинг муддатга қолар, акс ҳолда халқдан олинган ортиқча нарсаларнинг ҳаммаси ундан тортиб олиниб, 3 йилгача ҳеч қандай маош берилмас эди. Солиқ олишда ҳам жисмоний жазо қўллашни тақиқлаган. У бошлиқлардан зулм ўтказиш ва товламачилик қилишдан ўзларини тийишларини талаб қилар, ўз мансабини суиистеъмол қилиш очлик ва ҳар хил фалокатларга олиб келиши, халқни эса ўзга ерларга қочиб кетишга мажбур этишини билар эдилар. Амир Темурнинг фикрича, халқни талон-тарож қилиш давлат даромадининг камайишига ва давлатнинг қулашига олиб келади.

Маълумки, мустақил, демократик-ҳуқуқий давлат кураётган бизнинг жамиятимизда, давлатчиликнинг олий мансаблари ва ҳарбийларнинг йўл-йўриқлари хусусида тасаввурлар энди-энди шаклланиб, ривожланиб бормоқда. Уларни такомиллаштиришда даврлар синовидан ўтган “Темур тузуклар”га ўхшаган асарларга суянишимиз лозим деб ҳисоблайман.

Амир Темур ҳарбий санъатида ислом динининг роли катта эди. Россия империяси бош штаби ҳарбий-илмий комитетининг аъзоси М.И.Иванин 1836-1845-йилларда ёзган “Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур” асарида ёзишича, “ўз мутаассиблиги билан бу эътиқод Амир Темур моҳир қўлларида у юксак санъат билан ҳаракатлантира оладиган ҳарбий-сиёсий машинанинг дастаги бўлиб хизмат қила бошлади. Амир Темур бошқариш тартиботининг шу жиҳати ҳеч қандай буйсунмаган, ўз лашкарларида босқинчиликка рағбатни бошқа мутаассиблик усуллари билан қозғата олган Чингизхоннинг бошқарувидан фарқ қиларди.”⁵

Амир Темур ўз “Тузуклари”да : “Амр қилдимки, амир ул-умаро

⁵ М.Иванин. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. 26-бет.

уруш майдонини танлашда тўрт нарсани назарда тутишини тайинлаган.Биринчиси- у ернинг сувга узоқ-яқинлиги, иккинчиси – аскар сақлайдиган ернинг хавфсизлиги, учунчиси – ғаним лашкари турган турган ердан тепароққа жойлашиши ва офтобга рўбарў бўлмаслиги, токи қуёш шуъласи сипоҳийлар кўзини қамаштирмасин, тўртинчиси– уруш майдони олди очиқ, кенг жой бўлиши лозим. ” Бундан кўриниб турибдики ҳарбий стратег сифатида ҳар томонлама ўйлаб, пухта режа асосида жангга кириши Соҳибқиронни доимо ғалабага этаклаган.

Амир Темур даврида ўз замонасининг энг юксак техникавий ютуқларидан бири бўлган ўт сочар қурол-раъд ҳамда кўшин таркибидаги раъдандозлар қисми ташкил топди.

А.Ю.Якубовскийнинг ёзишича, Амир Темур жаҳон ҳарбий санъатида илк бор кўшинни жанггоҳда етти кўлга ажратиб сафга тортиш тартибини ишлаб чиқди.

Шунингдек, Амир Темур кўшини отлик ва жангчилардан иборат бўлган.Бунда отлик жангчилар еҳгил ва оғир қуролланган сипоҳий кўшинга ажралиб, умумий лашкарнинг зарбдор қисми ҳисобланган. М.Иваниннинг ёзишича, Амир Темур булардан ташқари гвардия цингари шахсий соқчиларга ҳам эга бўлган.Амир Темур кўшинида жангчиларнинг кийимлари, ҳатто отларининг рангларига қараб махсус қисмлар тузган.

Босиб олинган ерларнинг кенгайиб бориши билан Амир Темур кўшинларининг сони ҳам ортиб бораверган.Бу вилоятлардаги қурол кўтара олган ҳар бир киши Амир Темур кўшинига қабул қилинган ва амалига қараб маош олган.Жасур жангчиларнинг фарзандларига ҳам нафақа тўланган.⁶

Аскарлар юришга чиққан вақтда интизомга қаттиқ риоя қилар эдилар.Ҳар бир бўлинма туман, кўшин амири ўз ўрнини яхши билган ва

⁶ Фахриддин Ҳасанов.Турон халқлари ҳарбий санъати, 2018 йил 365-бет.

унга қаттиқ риоя қилган. Бу бўлинмалар юришга чиққан вақтда асосий кучлардан, баъзан эса баъзан эса бир неча тумандан иборат бўлган авангард олдинда борган. Авангарддан олдин ясавул (разведка) юрган. Разведкага энг ботир аскарлар танлаб олинган. Юриш вақтида йўлбошчилар муҳим рол ўйнашган. Амир Темур йўлбошчиларни қўшинлар ўртасида одатда ўзи тақсимлаб берган.

Амир Темур қўшинида XIV-XV аср бошларида отлик қўшинни ташкил этиб, унинг стратегия ва тактикаси ўзининг мукаммал босқичига етган. Ўз замонаси учун яхши техника, қурол-аслаҳага эга бўлган қўшин тузилишида бир қанча самарали тажриба ва низомларни яратадики, бу ҳам улкан мамлакатни барпо этиш ишларига яқиндан ёрдамлашди.

Соҳибқирон ўзидан сўнг ҳарбий санъат соҳасида улкан мерос сифатида қолдирган “Темур тузуклари” ёзилганига олти юзу ўн олти йил бўлди. Ушбу асар ёшлар қалбига бемисл ғурур жойлаб, уларни чинакам инсон қилиб етиштиришда, кўркмас ва довюрак, ақлли ва ватанпарвар сифатида тарбиялашда бебаҳо бир мактаб вазифасини адо этмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар итифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонида, буюк давлат арбоби ва саркарда Соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидоийлик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилишини инобатга олган ҳолда, республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига “Темурбек мактаблари” номи берилиши ҳам бежиз эмас. Зеро, она Ватанимиз истиқлолини, унинг шаъну шавкатини қандай ҳимоя этишни Амир Темур бобомизнинг “Темур тузуклари”идан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.Мирзиёев.Парламентга қилган Мурожаатномаси, 2018-йил, 22-декабр
- 2.Темур Тузуклари-Тошкент. 2019-йил
3. Дадабоев Ҳ.Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. Т., “Ёзувчи”, 1996.
- 4.Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. Т., 1992.
- 5.Ҳасанов Ф. Турон халқлари ҳарбий санъати. Т., 2018.